



## ЁШЛАР ЎРТАСИДА V ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли қаҳрамон ўғил-қизларим!  
Хурматли устоз-мураббийлар!  
Мухтарам ота-оналар!

Аввало, барчангизни V Ёшлар Параосиё ўйинларида эришилган улкан тарихий ғалаба билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қўшамизнинг 35 та давлатидан келган 1 минг 500 нафардан зиёд спортчилар ўртасида бўлиб ўтган ғоят кескин беллашувларда сизлар жасорат ва матонат фазилатларини намойён этиб, мусобақаларнинг чинакам қаҳрамонларига айландингиз ва Ўзбекистон паралимпия ҳаракати тарихида яна бир ёрқин саҳифа олдингиз.

Ушбу нуфузли спорт анжуманида сизларни кўп миллатли бутун халқимиз қўллаб-қувватлаб, барчангизга зафар ва омадлар тилаб турди.

Ана шундай юксак ишончини шараф билан оқлаб, 99 та олтин, 57 та кумуш, 41 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллаб, ғолиблик шохсупасига кўтарилганингиз муборак бўлсин!

Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янграгани сизларнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишига қандай беқеъс ҳисса қўшганингиздан далолатдир.

Сизлар улкан азму шижоатингиз, букилмас ирода ва интилишингиз билан Осиёнинг миллий спорти жадал ривожланган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам ортда қолдиришга муваффақ бўлдингиз.

Ўзбекистон Параосиё ўйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай буюк зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Ҳеч шубҳасиз, сизлар юртимиз спортида шонли тарих ва аъёнлар яратётган ёшлар, моҳир мутахассислар сифатида юксак тахсин ва тасанноларга муносибсиз.

Бутун халқимиз, жонажон Ватанимиз сизлар билан фахрланади. Сизлар Ўзбекистон паралимпия ҳаракатининг олтин авлоди, олтин вакиллари.

Бундай қаҳрамон ёшларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Айниқса, пара пауэрлифтингчи ўғил-қизларимиз Бахриддин Холбўтаев, Элбек Фарҳодов, Ойшажон Ражаббоева, Рухшона Ўқтамова ўз вази тоифаларида жаҳон рекордини, Нурилло Инобиддинов, Эзоза Абдуҷабборова, Азизбек Пердебаев, Рухшона Ўқтамова, Зиёдаҳон Боқижонова, Зухра Юлдашева, Гулзо Нема-туллаева эса Осиё рекордини ўрнатганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муҳим тарихий натижа — спортчи қизларимиз Мадина Мухторова, Фароғат Мухаммадқулова, Моҳичехра Ибрагимова пара енгил атлетиканинг ядро ва найза улоқтириш дастурлари доирасидаги мурас-сиз баҳсларда рақибларига мутлақо имконият қолдир-масдан бутун медаллар жамланмасини Ўзбекистонга олиб келдилар.

Буларнинг барчаси — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз, қолаверса, юртимизда инсон қадрини амалда таъминлашга қаратилган тизимли ишларимиз натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизлар эришган улкан зафар Янги Ўзбекистон ёшлари қандай катта марраларни эгаллашга қодир экани амалда яна бир бор кўрсатгани билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бу ғалаба, ҳеч шубҳасиз, минглаб ёшларимизга гурур ва ифтихор, интилиш ва илҳом ман-баи, катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни мана шундай баҳодир, доврорак ва паҳлавон фарзандлар этиб тарбиялаган, эзгу интилишларингизни доимо қўллаб-қув-ватлаб келаётган ота-оналарингиз, моҳир ва жонқуяр мураббийларингизга, барча мухлисларингизга чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз спортчи ўғил-қизларим,  
Қадрли мураббийлар!

Хабарингиз бор, яқинда мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича махсус қарор қабул қилди.

Ишончим комил, ушбу қарор сизларнинг кел-гуси фаолиятингиз учун қўшимча равишда янги шараф ва имкониятлар яратиб, спорт оламидаги ютуқларингиз салмоғини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати — сўнгги йилларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини тузиб, алоҳида Адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолиятини йўлга қўйди.

Шунингдек, ушбу тизимда Матонат мактаби ҳамда соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича институт таш-кил қилди.

Натижада адаптив спорт турларидаги йўналишлар сони 89 тага етказилиб, юртимиз маҳалларида ушбу спорт турлари билан доимий шугулланувчилар сони 45 мингдан ошди.

Ортимизда инклюзив жамият барпо этиш, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилган ислохотларимиз албатта из-чил давом эттирилади.

Ватанимизга юксак меҳри ва садоқати, мустақкам ирода ва матонати билан миллионлаб фарзандлари-мизга ўрнатган сизлардек қаҳрамон ўғил-қиз-ларимиз Ёшлар ўртасидаги Параосиё ўйинларида қўлга киритган тарихий ғалабангиз билан яна бир бор чин қалбимдан қўллаб-қувватлаб, барчангизга сизга-саломатлик, келгуси фаолиятингизда улкан омад ва зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

## КАПИТАЛ БОЗОР ВА БАНК СОҲАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев капитал бозорини янада ривожлантириш ҳамда банк соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда муомаладаги қimmatли қоғозларнинг бозор қиймати 275 триллион сўмни ташкил этиб, биржада эркин муомаладаги қimmatли қоғозлар ҳажми 4 триллион сўмга етди, бозорда 717 та эмитент ва 77 та профессионал иштирокчи фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, капитал бозорининг капиталлашув ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20 фоизни ташкил этиб, жаҳон кўрсаткичларидан анча паст экани, мазкур соҳада ҳали катта салоҳият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан маҳаллий капитал бозорига камида 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Жумладан, маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида халқаро стандартлар асосида қimmatли қоғозларни жойлаштириш — “дуал листинг” амалиётига рухсат бериш, шунингдек, валюта облигациялари, глобал депозитар тилхатлар, хорижий қimmatли қоғозлар ҳамда биржа инвестиция фондлари каби янги молиявий инструментларни жорий этиш режалаштирилган.

Давоми 2-бетда

## СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга 15 декабрь куни сув хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустақкамлаш ишлари юзасидан ахборот берилди.

Аввало, эскирган ва энергия сарфи юқори насос агрегатларини замонавий, энергия тежамкорларига алмаштириш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 274 та насос станцияси мавжуд бўлиб, улар орқали 185 минг гектардан ортқ ер майдонлари суғорилмоқда. Станциялардаги насос агрегатларининг ярми-мондан кўпи 1979 йилдан буён ишлаб чиқарилган ускуналардан иборат, уларнинг энергия сарфи замонавий насосларга нисбатан 2-3 баробар юқори.

Кегейли туманидаги эски агрегатлардан бири замонавий энергия тежамкорига алмаштирилганда, электр энергиясининг сарфи икки баробарга камайган.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Қорақалпоғистондаги 276 та насосни босқичма-босқич замонавий энергия тежамкор агрегатларга алмаштириш режалаштирилган. Натижада йиллик 25 миллиард сўмга тенг электр энергияси иқтисод қилиниши ва лойиҳа сарф-харажатлари 14 ой ичида ўзини оқлаши таъкидланди.

Давоми 2-бетда



Ифтихор

Президентимиз “Паралимпия ўйинлари — бу чинакам ирода, жасорат ва матонат, эзгулик ва гуманизм намойиши, десак, тўғри бўлади”, деган эди.

Янги Ўзбекистон эзгулик ва гуманизмга асосланган йўлида қатъий позиция билан олға бормоқда. Бу фактни “Дубай — 2025” ёшлар параосиё ўйинларида ёш спортчиларимиз яна бир қарра исботлади. Жамоамиз 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медали қўлга киритиб, тарихий натижага эришди. Осиё спортида жадал ривожланган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатларни ортда қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Шу орқали ёшларимиз пара спорт тарихида янги саҳифа очди.

Давоми 3-бетда

## ШОНЛИ ТАРИХДАН ШАРАФЛИ КЕЛАЖАК САРИ

Яқинда етиб бораётган 2025 йил янги Ўзбекистон тарихида яна бир саҳифа очди. Спортчиларимиз Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида V Ёшлар Параосиё ўйинларида тарихий ғалабага эришди. Шу орқали улар бир неча рекордларни янгилаб, Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллади.

Паралимпия тарихидаги шонли ғалабага эришган спортчилар “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида кутиб олинди.

“Олимпиа шаҳарчаси”да ташкил этилган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг V Ёшлар Параосиё ўйинларида иштирок этган ёш пара спортчиларимизга йўллаган табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг буйича вакили Одил Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансур Оллоёров иштирок этди.

Давоми 3-бетда

## “Саодат” журналининг 100 йиллигига

Кунги кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Саодат” журналининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. “Бир асрлик маърифат байрами” мавзусида ташкил этилган маросимда давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журнал мухлислари иштирок этди.

## КЎНГИЛЛАРГА МАЪРИФАТ, АДАБИЁТ ВА ТАРБИЯ УЛАШГАН НАШР

Бир асрлик фаолияти давомида “Саодат” журнали саҳифаларида мамлакатимиз, умуман, Шарқ аёлларининг ҳаёти, ижоди, эришган ютуқлари, ташаббус ва ихтиролари, қолаверса, турмуш машаққатлари орасида кечган қувонч ва изтироблари халқчил услубда ёри-тиб келинмоқда.

Журналининг илк сони 1925 йил 1 декабрда “Янги йўл” номи билан чоп этилган. Кейинчалик у турли йилларда “Ёрқин турмуш”, “Ёрқин ҳаёт”, “Ўзбекистон хотин-қизлари” номи билан нашр қилинган. Мамлакат аёл-қизларининг интилиши ва истагига ҳамоҳанг тарзда 1966 йилдан ушбу нашр “Саодат” деб

юритилди. Мустақилликдан сўнг журнал фаолиятида янги давр бошланди. Унга янги нафас кириб келди, мазмунан янги мавзулар билан бойиди.

Тантанали тадбирда Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова “Саодат” журнали ижодий жамоасини қўтлуг сана билан самимий қўтлар экан, бир аср давомида нашр ўзбек хотин-қизларининг маънавий-маърифий камолотига, жамиятдаги ўрни ва фаоллигини юксалтиришга садоқат билан хизмат қилиб келаётгани хусусида сўз юритди.

Давоми 6-бетда



## МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

### ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛЛАРИ

Хусусий сектор Ўзбекистон иқтисодий трансформациясининг замонавий бозор тизимини шакллантириш, барқарор ўсишни таъминлаш ва фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган асосий таркибий қисмидир. Сўнгги йилларда айнан тадбиркорлар фаоллиги иқтисодий тараққиёт, бандлик ва инновацион ривожланишнинг энг муҳим омилига айланди. Бу эса бизнес ва хусусий ташаббус иқтисодиётни модернизация қилишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намойён бўлаётган глобал тенденцияларга мос келади.

Харакатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида қўлай бизнес муҳитини яратиш бўйича кенг қўламли чоралар кўрилади. Муҳим босқичлардан бири сифатида Бизнес-омбудсман институти таъсис этилди ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар ман-фаатининг тизимли ҳимоясини таъминлади.

Шу билан бирга, бизнесни рўйхатдан ўтказиш қонди соддалаштирилди, режасиз текширувлар бекор қилинди ҳамда ер участкаларини ажратиш тартиби такомиллаштирилди. Пировардида мазкур ўзгаришлар туфайли маъмурий тўсиқлар қаймайишга ва тадбиркорлик тизими фаоллашувига эришилди.

Давоми 4-бетда

# КАПИТАЛ БОЗОР ВА БАНК СОҲАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## Бошланиши 1-бегда

Тақдимотда “тартибга солиш қумдо-ни” ҳуқуқий режимини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу механизм доирасида қумдон шартларини нафақат резидентлар, балки резидентлар учун ҳам табиқ этиш, хорижий инвесторлар учун муддатсиз амал қилишини белгилаш, шунингдек, чет эл компанияларининг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қозғалар билан савдо қилишга рухсат бериш тақдир қилинди. Бу хорижий қимматли қозғаларнинг норасмий савдосини қисқартиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Маҳаллий инвесторларни капитал бозорига фаол жалб этиш бўйича тақдирлар кўриб чиқилди.

Бунда маҳаллий компания ва банкларга Тошкент фонд биржасида хорижий валютада облигациялар чиқаришга рухсат бериш орқали ташқи бозорга чиқмасдан туриб валюта маблағларини жалб қилиш имкониятлари яратилиши қайд этилди.

Шунингдек, эмитентларга ўз капитал ҳажмидан ортқ, таъминотсиз облигациялар чиқариш имкониятини яратиш орқали облигациялар бозорини кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Капитал бозорига назорат ва тартибга солиш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Миллий қонунчиликни Қимматли қозғалар комиссиялари халқаро ташкилоти талабларига мослаштириш, регулятор ваколатларини кучайтириш, шунингдек, профессионал иштирокчиларнинг уст-став капиталига қўйилган талабларни босқичма-босқич ошириш режалари тақдимот қилинди.

Банк соҳасидаги ислохотлар доирасида сўнгги етти йилда тижорат банклари-нинг активлари 5,3 баробар ўсиб, 877 триллион сўмдан ошгани, банкларнинг сони 35 тага етиб, 2017 йилдан бери 3 та хорижий банк Ўзбекистонда фаолиятини йўлга қўйгани таъкидланди.

Мамлакатимиз илк бор Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкнинг Молиявий секторни баҳолаш дастури-да иштирок этди, унда банк назорати,

рискларни бошқариш, тўлов тизимла-ри, макропроденциал сиёсат ва инқи-розларни бошқариш каби йўналишлар баҳоланди.

Баҳолаш натижаларидан келиб чи-қиб, келгуси йилда Ўзбекистон молия секторини Базель кўмитасининг Самара-ли банк назорати бўйича 29 та асо-сий тамойилга тўлиқ мослаштириш белгиланган. Бу мақсадда барча тижор-ат банкларида молиявий ҳисоботлар-ни тўлиқ халқаро стандартлар асосида юритиш, Базель III стандартларини жо-рий қилиш, Ҳукумат ва Марказий банк иштирокида Молиявий барқарорлик кенгашини ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари капитал бозори ҳамда банк соҳасидаги ислохотлар иқ-тисодиётни барқарор молиялаштириш, хусусий сектор улушини ошириш ва халқаро инвестицияларни фаол жалб этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидлаб, белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топши-риқлар берди.

ЎЗА

# ЎШ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ВА УНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН ШОҲКЎЧА ОЧИЛДИ

## Ўш шаҳрида буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали ва унинг номи билан аталган шохкўчанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

“

Ўзбекистонлик меҳмонларни қирғиз — ўзбек давлат чегарасидаги “Достук” чегара-ўтиш пунктида Қирғизистон маданияти, ахборот ва ёшлар сиёсати вазири ўринбосари Аскарали Мадаминов, Президентнинг Ўш вилоятидаги ваколатли вакилининг 1-ўринбосари Ильяз Тошбоев, Ўш шаҳри мэри Женишбек Токторбоев ва бошқа расмий шахслар тантанали равишда кутиб олди.

Алишер Навоий шохкўчаси ва ҳайкалнинг очилиш маросимида Қирғизистон Президентининг Ўш вилоятидаги ваколатли вакили Аманкан Кенжебоев бошчилигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон делегацияси ҳамда турли ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбир Алишер Навоий ҳайкалинини очиб ва унинг пойига гулчамбарлар қўйиш маросими билан бошланди. Шундан сўнг иштирокчилар эътиборига ўзбек ва қирғиз санъаткорлари томонидан тайёрланган, Алишер Навоий ижодини акс эттирувчи саҳна кўрinishлари ва унинг ғазалларига басталangan кўшиқлардан иборат концерт дастури тақдим этилди.

Ўш вилояти раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини ва стратегик ҳамкорлик янги босқичга кўтаришга алоҳида таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали очилиши маросимида иштирок этиш учун Ўш шаҳрига Ўзбекистондан нуфузли делегация ташрифи икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий биродарлик алоқалари ва чуқур ҳурмат белгиси эканини ургулди.

Алишер Навоийнинг маънавий мероси ўзбек ва қирғиз халқларини бирлаштирувчи муҳим қадрият ҳисобланади. Ўш шаҳрида унинг ҳайкали ўрнатилиши мамлакатларимиз ўрта-



сидаги маданий ҳамкорликнинг ёрқин тимсолидир.

Шаҳар мэри Ўш шаҳрида Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи 1968 йилда барпо этилгани ва буюк ўзбек шоирининг шаҳардаги биринчи ҳайкали ҳам шу йил ўрнатилгани ҳамда 1991 йилда боғ атрофидаги кўчага унинг номи берилгани маълум қилди. Ушбу кўча шу кунгача унинг номи билан атаб келинган. Сўнгги йилларда бу ерда катта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, кўча мавқеи кўтарилди, шохкўчага ўзгартирилгани билдирилди.

Женишбек Токторбоевнинг таъкидлашича, халқларимиз доим бирдамликда яшаб келган

ва бу ахил-иноқлик ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Жорий йилда Ўш вилоятига Ўзбекистондан 1,3 миллиондан ортқ сайёҳ ташриф буюрган ва ушбу рақам халқларимиз ўртасида биродарлик ва дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамлашиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир Ташқи ишлар вазирлигининг жанубий вилоятлардаги ваколатхонасида давом эттирилиб, ўзбек — қирғиз делегациялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди. Мулоқот чоғида сўнгги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожини ҳамда эришилган муҳим ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтиди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, биргаликда кўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тажриба алмашиш ҳақида келишиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг ўзбек ва қирғиз халқлари орасидаги азалий дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишларида кўшган самараларни ҳиссага олган Ўш шаҳри мэри Женишбек Токторбоевни “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшиттирилди. Ушбу муқофотни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков тантанали равишда топширди.

Мэр Женишбек Токторбоев камтарона фаолиятига берилган юксак баҳо учун Ўзбекистон Президенти ва ўзбек халқига чуқур хурматини изхор этиб, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги тарихий биродарлик алоқаларини ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида бор кучини сарфлашини таъкидлади.

Ўз навбатида, Озодбек Назарбеков Алишер Навоий шохкўчасини таъмирлаш ва ҳайкалининг ўрнатилиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда бугунги тадбирни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ташкилотчиларга Ўзбекистон номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбир давомида элчи Саидқорон Ниёзхўжаев “Дестинация Ўш” туризм корхоналари жамоат бирлашмаси раиси Абдуқодир Алиевага “Ўзбекистон туризм брендининг Қирғизистондаги элчиси” сертификатини тантанали равишда топширди.

Дунё” АА

Ўш шаҳри

# СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

## Бошланиши 1-бегда

Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Тошкент ирригация университетида эришилган натижалар ва келгусидаги режалар тўғрисида маълумот берилди.

Ҳозирги кунда университетда 8682 нафар талаба тахсил олмақда, 571 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда, илмий салоҳият даражаси 73,5 фоизи ташкил этади.

Университет халқаро рейтингларда юқори натижаларга эришиб, “THE World University Rankings 2026” рейтингини дунё университетлари орасида 501-ўринини, Марказий Осиё ва Кавкази мамлакатлари бўйича 2-ўринини, Ўзбекистонда 1-ўринини эгаллади, “QS World University Rankings 2026” натижаларига кўра эса 469-ўринга кўтарилди.

Ўтган йилда университет ҳудудида 200 ўринли замонавий АТ маркази барпо

этилди, рақамли кутубхона ва регистратор офиси фаолияти йўлга қўйилди. Университетнинг таълим йўналишлари беш йил муддатта халқаро аккредитациядан ўтказилди. Ўқув жараёнига дунёнинг ТОП-300 талиғидаги университетларни битирган юртдошларимиз ва хорижий профессорлар жалб қилинган.

Келгусида иқлим ўзгаришини таҳлил қилиш учун рақамли технологияларга асосланган миллий платформа яратиш, университет ҳудудида космик кузатув станциялари барпо этиш, сунъий йўлдузчи маълумотларини қабул қилиш инфратузилмасини ривожлантириш режалаштирилган.

Шунингдек, университетнинг “Сув дипломатияси” магистратура йўналишига халқаро мақом бериш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари Тошкент ирригация университетини дунёнинг ТОП-300 талиқ университетлари қаторига киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

Тақдимотда халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Қайд этилганидек, сўнгги ойларида Тошкент шаҳри ичимлик суви ва оқова хизматларини яхшилашга бағишланган биринчи Марказий Осиё конференцияси ҳамда Сув кодексининг кучга киришига бағишланган халқаро конференцияга мезбонлик қилди.

Ушбу тадбирларнинг мантқий давоми сифатида келгуси йил март ойида Тошкент халқаро сув ҳафталигини ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди. Форум халқаро институтлар ва минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадбирни юқори савияда ўтказиш ва келгуси йилда Оролбўйи ҳудудида сув тежаш технологияларига бағишланган халқаро форумга пухта тайёрларлик кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди.



## Инсон қадри учун

Мамлакатимизда иқтисодий имкониятлар кенгайиб, аҳоли турмуш шароити яхшиланаётгани боис, уй-жойга талаб йилдан йилга кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, уй-жой ислохотлари самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда. Маълумотларга кўра, юртимизда аҳолининг ўртача ўсиш тенденцияси йиллик икки фоизни ташкил этмоқда. Шунга мос равишда қурилиш бозори жадал ривожланыпти. Бироқ бу жараёнда уй-жойлар нархини мақбуллаштириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масалага айланяпти.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони уй-жой соҳасининг барқарор ўсишини таъминлаш, уй-жой қурилиши ва уни сотиб олишнинг мувозанатлашган тизимини шакллантириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда муҳим ҳужжат саналади.

— Мазкур ҳужжат билан юртимизда уй-жой, урбанизация соҳасида янги давр бошланиши арафасида турибмиз, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Расул Ҳамидов. — Унда соҳада узоқ муддатта мўлжалланган устувор йўналишлар белги-ланди. Бу, ўз навбатида, уй-жой соҳасининг барқарор ривожини таъминлаш, мавжуд талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда уй-жой қурилиши ҳажмини белгилаш, барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли сони ортқ бориши ва урбанизация жараёнидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро учун қўлай яшаш шароитларини яратишга хизмат қилади. Эндиликда

уй-жой сиёсати, асосан, реновация ва урбанизация тамойиллари асосида амалга оширилади. Фармон билан 2040 йилга қадар ҳар йили қурилаётган уй-жойлар сонини икки баравар ошириб, 421 мингтага, ипотека кредити портфелини эса 10 баравардан ортқ кўпайтириш ҳолда 56,7 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Урбанизация жараёнини қўллаб-қувватлаш, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ишларини изчил давом эттирган ҳолда уй-жой фондида замонавий уй-жойлар улуши 2040 йилга қадар 50 фоизга етказилди. Шу билан бирга, уй-жой бозорига банк молияси ва институционал инвесторлар маблағларини, шу жумладан, ипотека кредитидан фойдаланган ҳолда жалб этиш, улуши қурилишга сармоа киритаётган жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уй-жой қурилиши соҳасини “Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли” тамойили асосида комплекс ислох қилиш ва уни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш соҳани барқарор ва

# УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ ВА СОТИЛИШИ РЕНОВАЦИЯ ВА УРБАНИЗАЦИЯ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНАДИ

мувозанатли ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

— Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека кредитларини олишга имкони етадиган аҳоли қамрови тахминан 12 фоизни ташкил этади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги лойиҳа офиси директори ўринбосари Муҳаммадбобур Тоҳиров. — Айни пайтда тижорат банкларида ипотека кредитлари учун қўшимча ресурс маблағларини жалб қилиб мазкур кўрсаткични 30 фоиздан оширишни мақсад қилганмиз. 2017 йилдан жорий йилнинг ўтган давригача бўлган вақт давомида 534 минг фуқарога қарийб 101 триллион сўм ипотека кредити ажратилган. 2025 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, ажратилган ипотека кредитлари қолдиги 77 триллион сўмга етиб, 2017 йил бошидагига нисбатан қарийб 10 баробар ошган.

Ҳужжат талаблари асосида, биринчи навбатда, қуриб битказилган уй-жойлар ҳамда санаят ҳудудларини фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, экологик тоза махсулотлар ҳамда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда уй-жой массивларининг муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини олдидан барпо этишни назарда тутадиган комплекс қурилиш тамойили асосида уй-жойлар қурилишини ташкил этиш тартиби жорий қилинади.

Ҳужжатда комплекс қурилиш тамойилига урғу берилиб, унинг ҳуқуқий доиралари



белгиланган. Унга кўра, комплекс қурилиш дастурлари фақат очиб ва батафсил ишлаб чиқилган режалар асосида тайёрланади. Комплекс қурилиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш дастурлари киритиш ёки бошқа лойиҳаларга жалб этиш ҳамда уларнинг мақсадли йўналишини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Комплекс қурилиш лойиҳаларига кири-тиладиган ер участкалари, кўчмас мулк объектилари ва уларнинг ҳуқуқ эгалари тўғрисида

тўлиқ маълумотлар тақдим этилади. Лойиҳаларни амалга оширишда ҳудудларнинг келгусидаги ижтимоий эҳтиёжларини инобатга олувчи комплекс ёндашувдан фойдаланилади.

Фармонга мувофиқ, урбанизация, уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилди. Улар аҳоли учун уй-жойга эга бўлиш имкониятини ошириш, уй-жой қурилишида реновация асосида қуриладиган уйлар

улушини босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни турар жой билан таъминлаш, ортқча уй-жой қурилиши ёки унинг етишмаслигининг олдини олишдан иборатдир.

Ҳужжат асосида Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси ташкил этилди. Кўмита урбанизация жараёнлари, уй-жой қурилиши, реновация ва ипотека соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, ушбу йўналишдаги дастурларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш, Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бу борадаги тегишли қарори ҳам қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, эндиликда уй-жойлар қурилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шаҳарлар ва бошқа агломерацияларда уй-жой ҳамда нотураж жой мажмуаларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда кўп квартиралы уйлар қурилиши бўйича йиллик мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш, комплекс қурилиш лойиҳаларини амалга ошириладиган ва “Янги Ўзбекистон” массивлари қуриладиган ҳудудларни белгилаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини миллий кўмита билан мажбурий келишилиши шарт.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида аҳолининг уй-жойга ўсиб бораётган талаблари ҳисобга олинган ҳолда қурилиш ҳажми ортади. Қурилаётган уй-жойлар эса барча зарур инфратузилмага эга бўлади. Урбанизация жараёнлари аниқ белгиланган дастурлар асосида кечади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири





# ШОНЛИ ТАРИХДАН ШАРАФЛИ КЕЛАЖАК САРИ

## Бошланиш 1-бегда

Президентимиз ёш спортчиларимизга табрик йўллади. Давлатимиз раҳбари табригидаги: “Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янграгани сизларнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга қандай беқиёс ҳисса қўшганингиздан далолатдир.

Сизлар улкан азму шижоатингиз, буқилмас ирода ва интилишингиз билан Осиёнинг миллий спорт жадал ривожланган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам орта қолдиришга муваффақ бўлдингиз”, деган сўзлар спортчилар қатори ҳар бир юрtdошимиз қалбидан чуқур жой олгани ҳам аини ҳақиқат. Бундай шарафли ютуқлар бизни зафарли юришлар замиридаги ҳаётини ҳақиқатларини англашга чорлайди.

Биз ҳақли равишда аждодларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг салоҳияти, эришган ютуқларини ҳавас билан тилга оламиз. Аини дам улар бунга қандай эришгани ҳақида мулоҳаза қиламиз, ҳайратланамиз.

Кейинги йилларда ана шу ҳайрат, ҳаяжон бир оз босилган, аждодлар ютуғини бир қадар табиий қабул қилишга ўрганимиз. Чуқур таҳлил қилинса, бу жараён ҳам табиий ва асосли. Негаки, кейинги йилларда ёшларимиз эришган катта-катта ютуқлар ўтмиш аждодларга муносиб тарзда кечмоқда. Бу худди тоққа яқин боришга ўхшайди. Тоғлар олисдан жуда баян ва етиб бўлмас чўққи бўлиб кўринади. Аммо унга яқин борганинг сари унинг чўққисига олиб чиқадиган сўқмоқлар кўрина бошлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний “Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида”, деган эди. Шундай даврлар бўлдики, халқимиз фидойилиги, жасорати, ватанпарварлиги жиноят деб топилди. Бунга жаҳид аждодларимиз тақдирини яққол мисол бўлади.

Янги Ўзбекистонда инсон ўзини тўла кўрсата олиши, ишини қойил қилиб бажариши учун унга имкон берадиган ислохотлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар сабаб биз ҳам ўтмиш деган улкан тоғ этагига анча яқинлашдик. Аввало, аждодлар макон тутган чўққидан кўра баландроқ манзилларни кўлаб йўлга чиқдик.

Олис сафарга эса доим пухта ҳозирлик кўрилади. Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг илк даврида биз ана шу ҳозирлик жараёнини бошдан кечирдик. Аввало, одамларнинг даражаси қўлоқ тутиладиган тизим яратилди. Сўнг манзилли кўмак бериш амалиёти ҳақиқий маънода кенг қўлоқ эди. Ниҳоят Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, адаптив спорт турлари жамиятимизда кенг тарғиб этилиб, бу бўйича ҳам зарур шароитлар яратилди.

Шу тариқа биз кўзланган чўққи сари муайян масофани босиб ўтдик. Параолимпия ўйинлари давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янграгани фикримиз далилидир. Ҳа, Параолимпия ўйинларида спортчиларимиз ютуқлари орқали дунё ҳамжамиятига мамлакатимизда инсоннинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини рўбega чиқаришга қанчалик эътибор қаратилаётганини кўрсатиб берди.

**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ифтихор



## Жамоамиз 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медални қўлга киритиб, тарихий натижага эришди.



# ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИНГ ОЛТИН АВЛОДИ

### ХАЛҚИМИЗ, ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



## Мухторхон ТОШХҲАЕВ, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси

### Бошланиш 1-бегда

Президентимиз мазкур ғалаба муносабати билан йўллаган табригида “Ўзбекистон Параолимпия ўйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай буюк зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Ҳеч шубҳасиз, сизлар юртимиз спортда шонли тарих ва анъаналар яратган ёшлар, муҳир мутахассислар сифатида юксак таҳсин ва тасанноларга муносибсиз.

Бутун халқимиз, жонажон Ватанимиз сизлар билан фахрланади. Сизлар Ўзбекистон паралимпия ҳаракатининг олтин авлоди, олтин

вакиларисиз”, дея музаффар ёш спортчиларимизни эътироф этди.

Бундай олтин авлодни шакллантириш осон эмас. У ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг ортида туну кун эл дарди, ватан тараққиёти йўлида қилинган катта хизмат турибди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар тимсолида бунни кўриб турибмиз.

Ҳа, Президентимиз ташаббуси билан спортга, хусусан, пара спортга эътибор тубдан ошди. Кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу борадаги янгилашлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилиши билан янги босқичга чиқди. Алоҳида Адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тизимда Матонат мактаби ҳамда соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича институт ташкил қилинди. Муҳими, ислохотлар туфайли маҳалларимизда адаптив спорт турлари билан мунтазам шуғулланувчилар сони 45 мингдан ошди. Жамиятимизда адаптив спорт муҳити яратилди. Энди бунга янада ривожлантириш учун ислохотларнинг янги босқичига старт берилди.

Президентимиз жорий йил 11 декабрдаги “Паралимпия спорт турларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш орқали пара спортчи ёшларга ана бир қарра катта ишонч билдирди. Бундай имконият ва эътибор ёшларга қанот бағишлайди. Дубай шаҳрида ўтган Параолимпия ўйинларида бунга гувоҳ бўлдик. Давлатимиз раҳбарининг ишончидан турланган спортчиларимиз 35 давлатдан келган тенгдошлари орасида ғалабага интилиши билан ажралиб турди. Улар нафақат ютуқлари, балки ўзига ишончи, кўтаринки кайфиятда баҳсларга киришиши билан ҳам кўзга яққол ташланди.

Ана шу кўтаринкилик, ишонч мусобақаларда ўз сўзини айтди. Параолимпия ўйинлари биз учун рекорд ва эксклюзив натижаларга бой бўлди. Масалан,

# УСТОЗЛИК БАХТИ



**Сардор АБДУХОЛИҚОВ,**  
Пара энгил атлетика бўйича миллий терма жамоа бош мураббийи:

— Устознинг бахти шогирди муваффақиятида деб тўғри айтишар экан. Қайси соҳада бўлмасин, қилган меҳнатларинг, чеккан машаққатларинг мева берганида чиндан ҳам ўзингни энг бахтиёр инсон деб биласан. Спортда эса янада ҳаяжонли. Фарзандингдай бўлиб қолган шогирдинг майдонга тушар экан, рақиб билан гўёки ўзинг олишайтандай бўласан, бутун жисму жонинг унга кўчиб ўтгандек охири дақиқача киприк қокмай, омад тилаб турасан.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган V Ёшлар Параолимпия ўйинларида терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритгани мураббийларни қанчалар хурсанд қилган бўлса, халқимизнинг ҳам шунчалар қувонтирди. Бу беллашувларга 2 йил тайёргарлик кўрдик. Албатта, спортчиларимиздан умидларимиз катта эди. Чунки алоҳида шароитлар яратиб берилди. Бундан тўрт йил аввал Баҳрайнда 18 та медал билан умумий ҳисобда 7-ўринни эгаллаганимиз. Ангил атлетикачиларимиз бор-йўғи 2 та олтин медалга

эга бўлган, иштирокчилар сони 10 нафарга ҳам етмаганди. Бу йил эса 47 спортчимиз билан 162 тур бўйича қатнашдик. 8 та олтинни қўлга киритган 16 ёшли Хусния Олимжоновга бутун Осиё қойил қолгани рост.

Умуман олганда, аввал чиндан ҳам бундай натижа бўлмаган. Ўзбекистон вакиллари 1,5 мингга яқин спортчи орасида юртга нақд бир кам 100 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медал шодаси билан қайтди.

Давлатимиз раҳбари спортчиларнинг ота-оналари қатори биз, устозларга ҳам моҳир ва жонқуяр мураббийлар сифатида чин дилдан миннатдорлик изҳор этгани барчамизни бирдек қувонтирди. Ота-оналар, мураббий ва спортчилар эса голиблик сари йўл оцаётган имкониятлар учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирипти. Ҳақиқатан, давлатимиз томонидан Паралимпияга ҳеч бир даврда бўлмаган алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шароитлар яратиб берилляпти. Янги спорт турлари кундан кунга кўпайляпти. Хусусан, бу йил Паралимпиянинг энг оғир турларида бири бўлган бочча спорт тури турли ҳам вакилларимиз ўзларини намойён этди. Битта 2-ўрин, битта 3-ўринга эга бўлдик. Бу орқали ҳар қандай янги спорт турига мослаша олишимиз, ҳар қандай йўналишда натижа кўрсатишимиз мумкинлигига яна бир бор амин бўлдик. Бошқа йўналишларда ҳам кўплаб спортчиларимиз қаторлаб медалларга сазовор бўлганидан, Ўзбекистон номи қайта-қайта тилга олинганидан бениҳоя хурсанд бўлиб қайдик.

Паралимпия тарихидаги шонли ғалабага эришган спортчилар “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида кутиб олинди. “Олимпия шаҳарчаси”да ташкил этилган тақдирлаш маросимида пара спортчиларга давлатимиз раҳбари йўллаган табрик ўқиб эшиттирилгани спортчиларга энг ҳаяжонли онларни бахш этди. Мана шу ғалабалар таъсирида спортчиларимиз яна янги-янги марраларни забт этишига ишонамиз.

# “Мағлубиятга йўл йўқ!” деган шиор куч бериб турди



**Акmalxon ХАЙРУЛЛАХОНОВ,**  
V Ёшлар Параолимпия ўйинлари голиби:

— Спорт билан шуғулланиб асло хато қилмаганимни ҳар гал голиблик шохсупасида турганимда, энг асосийси, Президентимиз биз, спортчи ёшларга ишонч билдирганида чуқур англаб етман. Кунин кеча “Олимпия шаҳарчаси”да туриб, Президентимиз табригини эшитар эканман, ич-ичимдан тўлқинланиб кетдим. Айниқса, “Бутун халқимиз, жонажон Ватанимиз сизлар билан фахрланади. Сизлар Ўзбекистон паралимпия ҳаракатининг олтин авлоди, олтин вакиллари. Бундай қахрамон ёшларимизга шон-шарафлар бўлсин!” деган сўзлардан гуруландим.

Пара армрестлинг билан 1 йилдан зиёроқ вақт мобайнида шуғулланиб келаётган бўлсам, бу гал тайёргарлик машғулотларимизнинг ўзи ҳам ҳар доимидан жиддий ўтказилганига гувоҳ бўлдим. Аслида, йилдан йилга натижалар юқорилаб бораётгани ортида тайёргарликка берилаётган алоҳида эътибор, спортчиларга гамхўрлик туради. Қанча қулайлик бўлгани сари голибликка яқинлашиб бораверасиз. Шунинг учун олдимизда фақат ва фақат ғалаба, мағлубиятга йўл йўқ деган шиор турди. Қолаверса, мураббийларимиз, ота-оналаримиз, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлашдек шараф бизга куч берди.

Президентимиз табригидаги куйидаги сўзлар бизни эндиликда янада юксак марраларни забт этишга чорлайди: “Сизлар эришган улкан зафар Янги Ўзбекистон ёшлари қандай катта марраларни эгаллашга қодир эканини амалда ана бир бор кўрсатгани билан ҳам гоёат ахамиятлидир. Бу ғалаба, ҳеч шубҳасиз, минглаб ёшларимизга гурур ва ифтихор, интилиш ва илҳом манбаи, катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади”.

Албатта, биз ҳам катта, тажрибали спортчилар сингари келажақда ўз мактабимизни яратиб, ортимиздан келаётган ёш авлодга бор маҳоратимизни ўргатсак, юртимиз спортда ўз ўрнини, номини бўлса дейимиз. Ўйлайманки, янги Ўзбекистонда бундай эзгу ниятларнинг барчаси ижобат бўлади.

# Фақат голиб бўлиб қайтишни мақсад қилгандим



**Хусния ОЛИМЖОНОВА,**  
V Ёшлар Параолимпия ўйинлари голиби:

— Бугун биз, спортчи қизларга ҳамма ҳавас қилдиган ажойиб даврда яшаймиз. Мамлакатимизда спортга қизиққан ёшларга ҳар қачонгидан кўп ва жиддий эътибор берилляпти. Энг муҳими, ота-оналарнинг спорт ҳақидаги фикрлари ҳам аввалгидан бутунлай ўзгаради. Шунинг учун бутунгиз кунда қизларни спортнинг энг оғир турлари, ҳатто тош кўтариш мусобақаларида ҳам учратиш мумкин. Ноғиронлиги бўлса-да, қизларига ишонч билдирди, уларни катта спортга йўналтирган ота-оналар бутун фарзандининг ортидан раҳмат эшитляпти, муносиб тақдирляпти. Улар бунга муносиб. Мураббийлар эса бундан ҳам ортинга лойиқ, Чунки пара спортчилар билан ишлаш устоздан жуда катта мағнат,

сабр-тоқат талаб қилади. Спортчиға ҳам ота, ҳам она, ҳам дўст бўладиган мураббийлар бор. Зеро, шундай бўлган тақдирдагина катта-катта ғалабаларга йўл очилади, устоз-шогирд биргаликда дунё кеза олади.

Эндигина 16 ёшда бўлишимга қарамай, спорт туфайли дунёнинг энг машҳур шаҳарлари, давлатларини кўриб келяпман. Дубайдаги мусобақаларда пара энгил атлетиканинг 8 турига қатнашдим. Жараёнларда ҳар қандай кўркув, ҳаяжонни унутиб, ўз олдимга “Сен фақат олтин медал учун келгансан, бошқасига ўрин йўқ. Ўзбекистонга фақат ва фақат олтин медал билан қайтишинг керак”, деган мақсадни қўйдим. Қарангки, биринчи марта қатнашим бўлса-да, биратўла 8 та олтин медални қўлга киритдим. Бундай натижага эришимдан нафақат яқинларим, кўплаб юрtdошларимиз кувонаётганини кўриб, олдинда турган мусобақаларга катта куч оляпман.

“Сенга жуда кўпчилик ҳавас қилипти, қойил”, деган сўзлардан қанчалик руҳланганимни сўз билан ифодалай олмаيمان. Ҳозирча югуриш, ядро улоқтириш, баландликка, узунликка сакраш бўйича олган бу медалларим билан Ватаним, халқимнинг менга ишончини оқлаган бўлсам, бу бошланиш. Насиб қилса, 2026 йили Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган йирик мусобақаларда ҳам Ватанимга фақат олтин билан қайтаман.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Муножат МҶМИНОВА  
ёзиб олди.

Ҳар қандай кўркув, ҳаяжонни унутиб, ўз олдимга “СЕН ФАҚАТ ОЛТИН МЕДАЛЬ УЧУН КЕЛГАНСАН, БОШҚАСИГА ЎРИН ЙЎҚ. Ўзбекистонга фақат ва фақат олтин медал билан қайтишинг керак”, деган мақсадни қўйдим.

# МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА

### АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛЛАРИ



Рамзиддин НУРИДДИНОВ,  
“Тараққиёт стратегияси”  
маркази бош мутахассиси

#### Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз иқтисодий модернизациясини давом эттирар экан, Ўзбекистон 2019-2021 йилларда бизнес муҳитини рақамли ўзгаришга эътибор қаратди. “Ягона дарча” тизими ва “E-kadast.ru” электрон портали яратилиши туфайли соҳада шаффофлик таъминланди ҳамда бизнес учун ортқач овозгарчиликларга чек қўйилиб, харajat камайди. Лицензия ва рухсатномалар олиш тартибининг соддаштирилиши кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлар сонининг кўпайишига ёрдам берди.

2022-2024 йилларда хусусий секторнинг янада ривожланиши рақобатнинг кучайиши ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиши билан тавсифланди. Рақобат мавжуд бўлган соҳаларда давлат корхоналарини ташкил этишга чеклов ўрнатилди. Оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари жорий этилди ва кредитлаш бўйича электрон платформалар ишга туширилди. “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳ-

рида қабул қилиниши ҳамда Президентимизнинг ҳар йили анъанавий тарзда тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиши давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, тадбиркорлик ташаббусининг барқарор ривожланиши ва хусусий инвестицияларни жалб этиш учун пойдевор яратди.

Ушбу ислохотлар натижасида 2024 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 54,3 фоиз, экспортга — 33,3 фоиз, саноатда эса 32,4 фоизга етди. Бундай динамика айнан хусусий сектор иқтисодий ўсиши ва миллий иқтисодийнинг диверсификацияси учун асосий локомотивга айланганини кўрсатади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда мамлакатда 77 мингта янги корхона ташкил этилган. Уларнинг умумий сони эса 358,1 мингтага етган. Янги хусусий бизнес субъектларининг энг катта қисми савдо соҳасида (28 мингта корхона) рўйхатга олинган. Кейинги ўрин-



лардан саноат (12,8 мингта), қишлоқ хўжалиги (9,1 мингта) ҳамда янаша ва оқватланиш хизматлари соҳаси (6,5 мингта) жой олган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодийдаги нодавлат сектор улушини 85 фоизга ошириш ва давлат улуши иштирокидаги корхоналар сонини ҳозирги 2300

тадан 383 тагача қисқартириш кўзда тутилган. Хусусийлаштириш, рақобатни кучайтириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бу йўналиш иқтисодий самарадорлигини ошириш ва давлатнинг тижорат фаолиятидаги иштирокни пасайтиришга қаратилган.

Ушбу чора-тадбирларни такомиллаштиришда давлатнинг қатор функцияларини хусусий секторга ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қилиб 2025 йил 1 июлдан бошлаб бизнесга 11 турдаги давлат хизмати топширилган. Тиббиёт ташкилотларини аккредитация қилиш, ҳисобгагиликларни текшириш ва транспортни экосертификациялаш шулар жумласидан. Бундан ташқари, 2028 йилгача хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар учун 1 фоиз миқдордаги ижтимоий солиқнинг имтиёзли ставкаси узайтирилган. Бу уларнинг ривожланишини рағбатлантиради ва аҳолининг бандлигини оширишга ёрдам беради.

Ишбилармонлик фаоллигини янада ривожлантириш мақсадида 2026 йил 1 январ-

дан бошлаб йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган яққа тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун 1 фоиз миқдорда пасайтирилган солиқ ставкаси жорий этилади. Ушбу чора солиқ юкнини камайтириш ва янги иш бошлаётган тадбиркорлар учун қўлай шарт-шароит яратишга қаратилган. Бу, айниқса, кичик бизнес соҳасини мустаҳкамлаш ва ўзини ўзи банд қилишни кенгайтириш учун муҳим.

Солиқ имтиёзларини жорий этиш билан бир қаторда ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларни ривожлантиришга хусусий капитални жалб этиш кучайди. Хусусан, таълим соҳасида хусусий боғчалар сони 120 баробардан зиёд қўлайиб, 31 мингтага, хусусий мактаблар сони эса 22 баробар ошди, 645 тага етди. Мактабгача таълим билан қамров даражаси 70-80 фоиздан паст бўлган 80 та туманда тадбиркорларга имтиёзлар берилмоқда. 30 йилгача ижара тўловидан озод қилиш ва ҳар бир тарбияланувчи учун харажатнинг 50 фоизини субсидялаш шулар жумласидан. Бундай рағбатлантиришлар сифати таълим-тарбия олиш имкониятини кенгайтириш ва хусусий инвесторларнинг инсон капиталини ривожлантиришдаги фаол иштирокига ёрдам беради.

Шунга ўхшаш тенденциялар соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кузатилаётган. Сўнгги етти йилда хусусий тиббиёт муассасалари сони 3500 дан 8500 га кўпайди. Бу ўсиш бизнес учун қўлай шароит, инновацион технологияларни жорий этиш ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ. Бундан ташқари, аҳолининг хусусий тиббий хизматга ишончи ортиб бормоқда. Бу эса хизмат сифатини яхшилаш ва фуқароларнинг замонвий даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Айрим тармоқлардаги таркибий ислохотлар натижаси макроиқтисодий даражада

ҳам намоён бўлмоқда. Бу инвестицияларнинг ўсиши ва хусусий сектор фаоллиги билан тасдиқланмоқда. Хусусан, 2024 йилда Ўзбекистонда 493,7 триллион сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган. Шундан 150,5 триллион сўми тўғриван тўғри хорижий инвестициялардир. Сўнгги беш йилда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми қарийб 2,3 баробар ўсди. Инвестицияларнинг 75,9 фоизи жалб қилган маблағ, 24,1 фоизи эса корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилди.

Халқаро баҳолашлар ҳам Ўзбекистондаги ўзгаришлар самарадорлигини тасдиқламоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг “Бизнесга тайёрлик 2024” ҳисоботида кўра, ривожланган иқтисодиётларда хусусий сектор иш ўринларининг қарийб 90 фоизини яратади. Инвестицияларнинг 75 фоизини ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 70 фоиздан ортигини таъминлайди. Тадбиркорлик фаолиятини самарали ва шаффоф тартибга солишга иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бундан ташқари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар COVID-19 пандемиясидан кейин барқарор тикланиш учун давлат ва бизнес ўртасида яқин ҳамкорлик зарурлиги ҳақидаги позицияни маъқуллади. Ташкилотнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун талаб қилинадиган йиллик инвестициялар 2019 йилдаги 2,5 триллион АҚШ долларидан 2020 йилда 3,7 триллион долларга ошди. Бу эса инвестицияларни жалб қилиш ва узоқ муддатли ривожланишнинг стратегик вазифаларини амалга оширишнинг асосий механизми сифатида давлат-хусусий шерикликнинг аҳамиятини оширади.

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ривожланишидаги сезиларли ютуқларни Халқаро валюта жамғармаси маълумотлари ҳам тасдиқлайди. 2021 йилда ДХШ лойиҳаларининг умумий портфели тахминан 6,2 миллиард долларни ташкил этган ва бу ЯИМнинг тахминан 8 фоизига ўтган бўлса, 2024 йил охирига келиб, бу кўрсаткич 31 миллиард долларга ёки ЯИМнинг 27 фоизига етди. Бундай тенденция хусусий капиталнинг иқтисодийдаги мавқеи кучайётгани ва инвесторларнинг ички бозорга қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тажрибаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий капитални фаол жалб қилиш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши учун ишончли пойдевор яратишини кўрсатади. Узоқ муддатли истиқболда айнан хусусий сектор миллий рақобатбардошлигини ошириш, инновацияларни рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли фаровонлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг асосий омилга айланди.

## Молия муассасаларида

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

## “АГРОБАНК” фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири

Сўнгги йилларда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали, мустаҳкам ҳуқуқий механизми шаклланди. Ушбу йўналишдаги сиёсатга ҳамоҳанг равишда “Агробанк” АТБда ҳам аҳоли ҳамда мижозларнинг молия муассасасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, мурожаатларида акс этган асосли масалаларни ижобий ҳал этишга стратегик йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Банк бошқаруви йиғилишларида бу борадаги ишлар доимий эътибордаги масала сифатида мунтазам муҳокама этиляпти.

Мурожаатларнинг аксарияти бевосита молия муассасаси фаолияти, мижозларга хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ. Яъни жорий йилда келиб тушган мурожаатларнинг 38 фоизи кредит юзасидан, қолгани кўрсатилган бошқа хизматларга тегишли бўлди.

Мурожаатлар ўтган йилдаги нисбатан камайди. Яъни ўтган йилнинг биринчи декабригача 9870 та мурожаат қилинган бўлса, жорий йилнинг шу вақтига келиб, мазкур рақам 9462 тани ташкил этди. 69 фоиз мурожаатга ижобий ечим топилиб, қаноатлантирилди, қолганларига эса меъерий ҳужжатлар асосида тушунтириш берилди. Бунинг ўзига хос асослари бор, албатта. Масалан, 1216 қисқа рақамли мижозлар билан алоқа маркази ташкил этилгани ва унинг кечки соат 24:00 гача фаолият юритаётгани самарадорлигини таъминламоқда. Алоқа маркази орқали мижозларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилмоқда, янги банк хизматлари ва улар бўйича муҳим маълумотлар тақдим этилмоқда. Айнан марказ орқали йил бошидан буён жами 972 минг 328 та кўнгирик, шунингдек, онлайн чаб ва телеграм бот орқали 110 минг 230 та мурожаат қабул қилиниб, сўровларга батафсил жавоб берилди.

Шунингдек, жорий йилда аҳоли ва банк мижозлари билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларда тадбиркорлар билан 281 та сайёр учрашув ўтказилди. Уларда иштирок этган 3617 фуқародан 3080 та мурожаат бўлди. Уларнинг 1467 таси жойда ижобий ҳал қилинди, 1613 та мурожаат бўйича амалдаги меъерий ҳужжатлар асосида тушунтиришлар берилиб, ижроси назоратта олинди.

Азизжон АҲМАДАЛИЕВ,  
“Агробанк” АТБ банк аппарати  
директори ўринбосари

## Обод манзиллар

# ТАШЛАНДИҚ ЕРЛАР

## даромад келтирадиган БОҒЛАРГА АЙЛАНДИ

Қўштепа тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Катта Фарғона канали муҳофаза зонасида, “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинидан Шомирза маҳалласига бўлган ораликда узум етиштириш, канал ҳудудидан ўтувчи бўйлама зовур соҳилида эса ўрдак боқиш лойиҳаси амалга оширилганига кўп бўлгани йўқ. Лойиҳа ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, эл дастурхонига сархил сабзавот, узум, парҳезбop ўрдак гўшти етказишда самара бермоқда.

Янги лойиҳа туфайли каналнинг бўш турган 12,6 гектар муҳофаза ҳудуди тозаланди ва узум етиштиришга ихтисослашган 126 та лотга бўлинди. Атрофи панжарали тўсиқлар билан ўралди. Унинг қарама-қарши томонида, катта магистраль бўйидаги зовур қирғоғида ўрдак боқиш учун керакли шароит ҳозирланди. Бу ер ўрдак боқиш ниятидаги 26 кишига бўлиб берилди.

Узум ҳосилга киргунича сўриток остини бўш қолдирмаслик учун бу йил мочалка экдим, — дейди “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Одинахон Акбарова. — Ҳосил яхши бўлди. Тўқсонбости усулда саримсоқпёз экдик. Канал бўйи бўлгани учун сувдан муаммо йўқ. Бу ерларда ёлғиз юришга чўчирдик. Баланд-паст қум бархани, ўт-ўланлар, чиқиндилар уюми дилни хира қиларди. Энди ҳаммаси ўзгарди. Бизга экинларни замонвий ва интеграциялашган усулда парварши қилиш, зарарли организмлардан ҳимоялаш, кооперация тизимини ривожлантириш, ҳудуд иқлим шароитига мос уруғ ва кўчатларни танлаш, сардаромад экин турларини экиш бўйича мутахассислар амалий тавсиялар беришмоқда.



Дала юмушлари билан андармон бўлиб юрган Абдуҳаким Юсупов “Шомирза” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Бир неча йилдан буён хорижда ишларди. Унга маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёз асосида узум майдонини ажратиб берилди. Абдуҳаким деҳқон фарзанди бўлгани учун ерга меҳр бериб меҳнат қилди, интилди, изланди. — Шу кунгача шолғом, турпларни йиғиштириб олдик, — дейди эгитлар оралаб юрган Абдуҳаким. — Энди плёнка остида қашниқ, исмамоқ, тўқсонбости усулида редиска экдик. Яқин йилларда буларнинг ёнига узум ҳосили ҳам қўшилса, даромадимиз салмоғи янада ортади. Мухими, оилам, яқинларим олдидан. Хорижга бориб ишлашга ҳам зарурат қолмади. Ерга меҳр берган одам кам бўлмайди деб, шунини айтсалар керак-да.

Маҳаллада паррандачилик йўналишида фаолият юритаётган фуқаролар ҳам меҳнати самара бераётганидан мамнун. Яқингача қаровсиз тепалиқлар бўлган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу ерда ўт-ўландан бошқа ҳалига кўкармаган. Энди экин майдонларига айланиб деҳқончилик маданияти кириб келди.

— Урдак тез кўпаядиган парранда, — дейди дўрмонлик Шерали Акбаров. — Масалан, бир бош ўрдак йил давомида ўртача 110-120 дона туҳум беради. Ҳўрозининг тирик вазни уч ойда 3-3,5 кило, макъени 2-2,5 килограммгача эт олади. Бир кило ўрдак гўшти ўрта ҳисобда 40-45 минг сўмлик ҳисобга олинса, даромад салмоғини чамалаш қийин эмас. Маҳалламиз ҳудудда ўрдакчиликни йўлга қўйиш, кўпайтириш орқали парҳез гўшти етиштириш учун барча шароит яратилган.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ортиб бормоқда. Шундай вазиятда экин майдонларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга. — Бу ишларни самарали йўлга қўйишда Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиги майдонларидати қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда, — дейди Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи Абдуҳалим Саидов. — Дала чети ва канал атрофидаги ҳар бир қарич ер даромад манбаи. Жорий йил баҳор мавсумида 2483 гектар дала четиға мевали кўчат ўтказилди. Шунингдек, 5905 гектар коллектор-дренаж атрофиға экинган ниҳоллар ер эгалари томонидан парваршиланмоқда. Майдонлардан самарали фойдаланиш ҳамда экспортбop маҳсулотлар етиштириш ҳажминини ошириш мақсадида дала четидаги майдонларга сабзавот, полиз, дуккакли дон экинлари ҳамда мойли маҳсулот етиштирилди. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан майдонларда етиштирилган 175 тонна маҳсулотга ички фитосаниратини сертификатчи бепул расмийлаштириб берилди.

Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси шаҳар ва туман бўлимлари томонидан аниқ режа асосида “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Унга кўра, мавсумнинг ноябрь-декабрь ойларида 401 гектар, келгуси йилда 922 гектар майдондаги дала четиға сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# РАҚАМЛИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА ЁШЛАР КАМОЛОТИ

## ТАЪЛИМ ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПАРАДИГМАСИ

Расулжон ОТАМУРОВО,  
педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори



Бугунги кунда инсоният ўз тараққиётининг тамомила янги, шиддатли ва мисли кўрилмаган босқичини бошидан кечирмоқда. Башарият тарихида юз берган саноат инқилоблари жамият ҳаётини қай даражада ўзгартирган бўлса, айти пайтда биз гувоҳи бўлаётган ҳодиса — тўртинчи саноат инқилоби, яъни рақамли технологиялар даври ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига чуқур ва тезкор кириб бормоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғувор мақсадни олдимизга қўйган эканмиз, ўз-ўзидан мазкур жараённинг ҳаракатланувчи қучи, шубҳасиз, илм-фан ва замонавий таълим ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ва рақамли жамиятни шакллантириш ғоялари замирида ҳам, аввало, юксак салоҳиятли, рақобатбардор ва замон билан ҳамнафас ёшларни тарбиялаш мақсади мужассам.

дан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, оилавий мулоқот вақтида телефонларни четта суриб қўйиш каби оддий, аммо самарали қондаларни жорий этиш оила мустақамлигига ва боланинг ижтимоий кўникмалари ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги ёшлар рақамли авлод вакиллари бўлиб, улар учун технология ҳаётнинг табиий бир қисmidир. Ўшларни бу муҳитдан ажратиб ололмаймиз ва бундай қилишимиз ҳам нотўғри бўлар эди. Асл мақсадимиз уларда танқидий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш, ахборотни саралаш иммонитетини ҳосил қилишдан иборат. Ўқувчи интернетдаги ҳар бир хабарга кўр-кўрона ишонмаслиги, факт ва уйдирмани ажрата олиши, турли манбаларни солиштириб кўриш қобилиятига эга бўлиши шарт. Бу кўникмалар нафақат ўқишда, балки келажакдаги профессионал фаолиятда ҳам хавфсизлик гарови ҳисобланади.

Таълим жараёнини рақамлаштиришда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Сунъий идрок технологиялари таълимни индивидуallasштириш, ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва ўзлаштириш даражасига мослашган ўқув дастурларини яратиш имконини беради. Тасаввур қилинг, тизим ўқувчининг қайси мавзуда оқшаксини автоматик аниқлаб, унга айнаш шу бўшлиқни тўлдирish учун қўшимча манбалар ва топшириқлар тақдим этади. Мазкур ёндашув ҳар бир боланинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу боис, педагогларнинг сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш малакасини ошириш, ўқув дастурларига ушбу йўналишдаги янгиликларни интеграция қилиш давр талабидир.

Технологик тараққиёт маънавий қашоқликка олиб келмаслиги керак. Рақамли дунё қанчалик жозибадор бўлмасин, у инсоний муносабатлар, меҳр-оқибат ва жонли суҳбат ўрнини боса олмайди. Биз ёшларга технологияни инсонийликдан устун қўймасликни,

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: биз бугун фарзандларимизни рақамли келажакка қанчалик тўғри тайёрлаёмиз? Мактаб парчасида ўтирган ўқувчининг қўлидаги замонавий қурилма унинг ривожланишига хизмат қилаяти ёки уни ўзидан узоқлаштирмақдими?

Дарҳақиқат, бугунги кун педагогикаси олдида турган энг долзарб вазифа фақатгина билан бериш эмас, балки ўқувчиларда рақамли компетентликни, рақамли маданиятни ва ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Рақамли компетентликка шунчаки компьютер ёки смартфондан фойдалана олиш қобилияти сифатида қараш тор ва юзакни ёндашувдир. Аслида, мазкур тушунча анча кенг қамровли бўлиб, у ахборотни излаш, таҳлил

тармоқларда фикр билдириш маданияти, бировларнинг шахсиятига тегишлик, муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилиш каби жиҳатлар рақамли фуқароликнинг асосий белгиларидир. Ёшларимиз англаши керакки, виртуал олам масъулиятсизлик ҳудуди эмас. Интернетда қолдирилган ҳар бир из, ёзилган ҳар бир сўз инсоннинг шаъни ва обрўсига дахлдор экани уларнинг онгига синдирилиши лозим. Миллий ўзлгимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни рақамли форматда ҳам сақлаб қўлиш ва тарғиб этиш, глобаллашув тўлқинида ўзлгимизни йўқотиб қўймаслик рақамли тарбиянинг бош ғояси бўлмоғи керак.

Таълим муассасаларида рақамли муҳитни тўғри ташкил этиш — ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг гарови. Мактабларнинг



қилиш, унинг ишончилигини баҳолаш ҳамда рақамли воситалар ёрдамида янги мазмун ярати олиш лаёқатини англашди. Бугунги ўқувчи интернет тармоғидаги чексиз маълумотлар уммонда “чўкиб” кетмаслик, аксинча, ўзига керакли дурдоналарни ажратиб олушни моҳир ғаввос бўлиш талаб этилади. Афсуски, кўп ҳолатларда ёшларимиз гаджетлардан фақат кўнгилочар восита, ижтимоий тармоқларда вақт ўтказиш ёки ўйин ўйнаш манбаи сифатида фойдаланиш билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, технология инсон ақлий салоҳиятини кенгайтирувчи, ижодий имкониятларини юзага чиқарувчи қудратли восита бўлиши керак. Бизнинг асосий вазифамиз эса истеъмолчи авлоднинг бунёдкор авлодга айлантириш, уларга технологияни бошқаришни ўргатиш ва технология уларни бошқаришига йўл қўймасликдан иборатдир.

Рақамли таълим муҳитида ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида ва ўта жиҳдий мавзу. Глобаллашув жараёни тезлашгани сари ахборот хуржурлари, ёт ғоялар ва зарарли контентларнинг ёшлар онгига таъсирини хавфи ҳам ортиб бормоқда. Интернет тармоғи чегарасиз маром бўлгани боис, унда фойдали илм билан бирга миллий менталитетимизга ва ахлоқий қадриятларимизга зид бўлган, боланинг руҳий-эмоционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотлар ҳам бехисоб. Шу боис, ўқувчиларда “рақамли гигиена” ва киберхавфсизлик кўникмаларини шакллантириш ҳаётини заруратга айланади. Ҳар бир бола шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш, кибербулнинг аломатларини пайқаш, нотаниш шахслар билан мулоқотда эҳтиёткорлик чораларини кўриш қондаларини пухта билиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда рақамли тарбия масаласи таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авваллари тарбия деганда фақат жонли мулоқотдаги одоб-ахлоқ тушунидан бўлса, эндиликда виртуал оламдаги хулқ-атвор қондалари ҳам шахс маънавиятининг кўзгуси саналади. Ижтимоий

замонавий компьютер технологиялари, юқори тезликдаги интернет билан таъминланаётгани, “Бир миллион ўзбек дастурчи” каби йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани соҳа ривожига берилаётган юксак эътибор намунасидир. Бирок моддий-техник база билан бирга мазмуний жиҳатга ҳам эътибор қаратишимиз даркор. Ўқувчиларга қурилмалардан фойдаланишнинг “олтин қондалари”ни ўргатиш, экран қаршида ўтказиладиган вақтни меъёраштириш, гаджетлардан фойдаланишда тана ҳолатини тўғри тутиш (эргономика) каби соғлом турмуш тарзи элементларини ҳам рақамли таълимнинг узвий қисми бўлиши лозим. Зеро, бизга нафақат билимли, балки жисмонан ва руҳан соғлом авлод керак.

Замонавий ўқувчи маълумотни аънаънавий дарсликлардан кўра, интерфаол усулларда, визуал ва аудиоформатларда қабул қиладиган кўпроқ мойиллик билдирмоқда. Қедоголаримиздан талаб этиладиган жиҳат ушбу тенденцияни тўғри илғаш ва дарс жараёнини шунга мослаштиришдир. Рақамли воситалар ўқувчининг ўрнини эгалламайди, аксинча, унинг имкониятларини кенгайтирувчи, дарсни қизиқарли ва тушунарли қилишга ёрдам берувчи кўмакчи сифатида хизмат қилади. Ўқитувчи эндиликда фақат билим берувчи эмас, балки ўқувчининг ахборот майдонида тўғри йўналтирувчи модератор, мураббий вазифасини бажариши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, ота-оналарнинг рақамли саводхонлигини ошириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Кўп ҳолатларда ота-оналар фарзандларининг интернетдаги фаолиятидан беҳабар яшамоқда ёки технология жиҳатдан улардан ортда қолмоқда. “Рақамли таълим” деб аталувчи мазкур ҳолат авлодлар ўртасидаги тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Ота-она фарзанди учун виртуал олам ҳам йўлбошчи, маслаҳаттўйи бўлиши, таъкидлаш йўли билан эмас, балки тушунириш ва тўғри йўналтириш орқали болани тарбиялаш лозим. Уйда рақамли қурилмалар-

гаджетлар одамларни бир-бирдан узоқлаштирувчи девор эмас, балки яқинлаштирувчи кўприк бўлиши кераклигини ўқитишимиз зарур. Китоб мутолааси, спорт, санъат ва табиат ҳамоҳанг равишда рақамли ҳаёт билан параллел ҳолда боланинг қундалиқ тартибидан жой олиши шарт. Баркамол шахс тарбияси фақат бир томонлама бўлиши мумкин эмас, у ҳар томонлама, уйғун ривожланишига тазоо этади.

Рақамли муҳитда ҳуқуқий саводхонликни ошириш хавфсиз таълимнинг муҳим бўғинидир. Ўқувчилар интеллектуал мулк, плагиат, шахсий маълумотлар дахлсизлиги тўғрисидаги қонунчилик нормаларидан хабардор бўлиши керак. Бирининг ижодий меҳнатини ўзлаштириш, руҳсатсиз нусха кўчириш нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаришни ёшлиқдан оғлаш адолатли ва қонун устувор жамият қуриш пойдевори саналади.

Яна бир муҳим жиҳат, “рақамли из” масаласидир. Ёшлар бугун интернетга жойлаётган ҳар бир сурат, ёзаётган ҳар бир шарҳ уларнинг келажакдаги қарьерасига таъсир қилиши мумкинлигини доим ҳам ўйлаб кўрмайди. Қўллаб-қўлланувчи компаниялар, нуфузли университетлар номзодларни танлашда уларнинг ижтимоий тармоқлардаги профилларини ўзлаштириш, руҳсатсиз нусха кўчириш нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаришни ёшлиқдан оғлаш адолатли ва қонун устувор жамият қуриш пойдевори саналади.

Рақамли таълим ва рақамли тарбия бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас, балки узлуқсиз, тизимли ва ҳамкорликдаги жараёндир. Давлатимиз, таълим тизими, ота-оналар ва кенг жамоатчилик биргаликда ҳаракат қилсакки, ёшларимизни рақамли дунёнинг фаол, масъулиятли ва яратувчан аъзолари этиб тарбиялашга эришамиз.

### Бугуннинг гапи



УШБУ МАҚОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН  
QR-КОДНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!

# ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ

## АМАЛДА ҚАНДАЙ ҚўЛЛАНАДИ?

Шу кунларда Тошкент шаҳри ва 15 та тажриба-синов ҳудудида босқичма-босқич жорий этилаётган “Электрон рецепт” тизими жамоатчилар ва соҳа мутахассислари томонидан фаол муҳожама қилинмоқда. Негаки, эндиликда юртдошларимиз муайян тоифадаги дориларнинг шифокор берадиган электрон имзо ёки QR-код туширилган рецептсиз ололмайди. Бу аҳолининг хавотир ва эътирозига сабаб бўлаётгани сир эмас.

“Электрон рецепт” тизимини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад даволаш хавфсизлигини ошириш ва беморлар саломатлигини ҳимоя қилиш, шифокорларнинг дори тайинлашдаги масъулиятини кучайтириш, дори тайинлаш жараёнини тартибга солиш, соғлиқни сақлаш тизимида рақамли ҳисобга ўтиш, шунингдек, контрафакт ёки нотўғри қўлланилаётган дори-дармон айланмаси билан боғлиқ хавфларни камайтиришдан иборат.

Ҳўш, тизим амалда қандай ишлайди, афзаллиги нимадан иборат?

Бемор аввалга оилавий поликлиникада бириктирилган шифокорига мурожаат қилади. Шифокор рецептни электрон тарзда расмийлаштиради. Дорининг номи, дозаси, қабул қилиш муддати — ҳаммаси “ДМЕД” номли тиббий ахборот тизимига киритилади.

Махсус рецептда электрон имзо ёки QR-код кўрсатилади. Дорихоначилар уни сканер қилиш орқали тизимдан махсуслот номини кўриши, шу асосда миқдорга сотиши мумкин.

Вазирлар Мақамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жисмоний ҳолати сабаб тиббиёт муассасасига кела олмайдиган ва ётиб қолган беморлар учун дори-дармон яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари томонидан электрон рецепт асосида олинади.

Шу ўринда фавқулодда ҳолатлар, болаларга, кекса ёшдаги шахсларга ва сурункали касаллиги бор беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда муаммолар юзага келмайдими деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

— Ҳеч ким зарур дори-дармонсиз қолмайди. Ушбу тоифадаги беморлар алоҳида назоратда бўлади, — дейди тиббиёт фанлари номзода Азиза Хўжаева. — Шунингдек, беморга дорини шовилшин равишда ёки зудлик билан бериш зарур бўлган тақдирда, рецепт бланкисининг юқори қисмига



Ҳаётимиз стресслардан холи эмас. Арзимоган сабаб билан асабийлик, юракда безовталик кузатилиши бугун табиий ҳолга айланган. Биз одатда фойдаланадиган корвалол ва валидол дорилари учун рецепт талаб этилиши жараёни бир оз мураккаб-лаштириши мумкин. Аммо хавотирга ўрин йўқ. Бу дори воситаларини рецептсиз дорихоналардан бемалол олиш мумкин.

Чет эл фуқаролари эса электрон рецепт олиш учун умумий шартларда давлат тиббиёт муассасаларида рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида туну кун ишлайдиган 1003 қисқа рақамли колл-марказ фаолияти йўлга қўйилган. Фуқаролар у орқали “электрон рецепт” тизими билан боғлиқ барча масалалар бўйича маслаҳат ва тушунтиришлар олиши мумкин.

— Доимий тушунтириш ишлари ва қайта алоқа тизими, шу жумладан, кечакундуз ишлайдиган 1003 колл-маркази ётоқ режимдаги ва сурункали касалликларга чалинган беморларнинг ўз оилавий шифокорига мурожаат қилиши, оилавий

— Шифокорнинг электрон рецептларини ёзиш бўйича ваколати, жумладан, муайян тиббиёт ташкилотидида мавжуд бўлмаган дорини тайинлаш ва кейинчалик дорихоналар фармацевтлари томонидан ушбу маълумотни тизимга киритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади, — дейди Дилдора Секлер. — Дорихоналарда рецептни дорини электрон рецепт асосида бериш (шу жумладан, беморнинг ЖШШИРи ёки QR-коди орқали) тартиби белгиланади. Қолаверса, тизим тўлиқ жорий этилгунга қадар ва фавқулодда вазиятларда истисно тариқасида қоғоз кўринишидаги рецептларни расмийлаштириш имконияти сақлаб қолинади.

Бемор ёки унинг вакилида электрон рецепт бўлмаган тақдирда, дорихона фармацевтига шахсни тасдиқловчи ҳужжат (қоғоз ёки электрон) асосида ЖШШИРни киритиб, тизим орқали электрон рецепт билан танишиш ва рецепт бўйича дорини бериш ҳуқуқини тақдим этувчи механизм белгиланади.

Ётоқ режимдаги беморлар электрон рецепт олишда қийинчиликка дуч келмаслиги учун қўшимча имкониятлар яратилган. Бунда бемор онлайн сўров юбориш ёки телефон орқали оилавий шифокорга мурожаат қилиши мумкин. Оилавий шифокор электрон рецептни расмийлаштиради. Рецепт расмийлаштирилгандан сўнг QR-код беморга ёки унинг вакилига юборилади (SMS, мессенжер ёки электрон почта орқали).

Бу механизм ётоқдаги беморларга зарур дорини ўз вақтида олишни таъминлайди.

— Юртимиз ва чет эл фуқароларининг тиббий ёрдам ва дорини олиш (шу жумладан, шовилшин ҳолатларда) ҳуқуқлари таъминланади, шунингдек, тизимни жорий этиш босқичлари ва дорилар рўйхатлари тўғрисида аҳоли расмий манбалар орқали хабардор қилиб борилади, — дейди Дилдора Секлер. — Даволашни шифокорнинг қарорига кўра, сурункали касалликларга чалинган беморларга 60 кунгача даволашни даврида халқаро касалликлар таснифига мувофиқ қодланадиган, сурункали касалликларни даволашда тайинланадиган, шунингдек, анаболлик фаоллиги билан ажралиб турадиган дори учун, 90 кунгача даволашни даврида бошқа тайёр дори учун (реимбурсация доирасида — 30 кунгача) рецептлар ёзишнинг алоҳида тартиби белгиланади.

Ушбу ҳолатларда электрон рецепт ва тегишли QR-кодининг амал қилиш муддати белгиланган даволаш курси даврига мувофиқ узайтирилади.

“Электрон рецепт” тизими, энг аввало, даволаш хавфсизлигини ошириш, дори тайинлашда масъулиятни кучайтириш ва уларнинг айланмасини тартибга солишга қаратилган. Ушбу тизим доимий мониторинг асосида фуқаролар ва тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Янги тизим рақобат муҳитини яратиш, шифокорлар томонидан кераксиз дори-дармонлар ёзиб берилиши, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмаган ва айланма йўллар орқали юртимизга кириб келаётган дорилар сотилишининг олдини олади.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“cito” (шовилшин) ёки “statim” (зудлик билан) белгиси қўйилади. Бундай белгилар рецептнинг дорихона ва тиббий амалиётда шовилшин заруратини кўрсатади.

Аҳоли томонидан билдирилаётган яна бир хавотир оғриқ қолдирувчи дорилар билан боғлиқ. Зарур пайтда оғриқ қолдирувчи дорилар учун ҳам электрон рецепт талаб этиладими?

Таъкидлашничи, оғриқсизлантирувчи дорилар рецептсиз дорилар рўйхатига киритилган бўлиб, улардан фойдаланиш мумкин.

Сурункали хасталиги бор беморларга амбулатор шартда рецепт ёзилганда, анаболлик фаоллигига эга айрим дорилар истисно тариқасида ва шифокор назоратида 60 кунлик, баъзи дорилар эса 90 кунлик даволаш курсига етарли миқдорда белгилашни кўрсатилган.

Шунингдек, бундай беморларга электрон рецепт бўйича қафолавланган пакетга киритилган дори-дармон дорихоналар томонидан реимбурсация дастури асосида 30 кунлик даволаш курсига етарли миқдорда бепул берилади. Рецептсиз бериладиган дорилар рўйхатида аллергияга қарши дори-лари ҳам мавжуд.

шифокорга (тегишли ҳолларда тор соҳа мутахассисларига) масофадан туриб мурожаат қилган ҳолда электрон рецепт олиши, кўрсатмалар мавжуд бўлганда патронаж хизмати ташкил этилиши ва зарур тиббий хизматлар уйда қўрсатилиши таъминланади, — дейди вирусолог шифокор Дилдора Секлер. — Ётоқ режимда бўлган беморлар, шунингдек, сурункали касалликка чалинган шахслар маслаҳат ва электрон рецепт олиш учун оилавий шифокорига телефон орқали мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ. Агар бемор оилавий шифокорининг телефон рақамини билмаса, унда 1003 қисқа рақамга қўнғирок қилиши мумкин. Унга зарур ёрдам кўрсатилади.

“Электрон рецепт” тизими асосида бериладиган дорилар рўйхати босқичма-босқич шакллантирилиб, бунда алоҳида рўйхатлар ижтимоий хавф ва соҳада юзага келадиган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир босқичда экспертлар кенгаши томонидан тайёрланиб, тасдиқланади.

Тизимли таъсирга эга антибиотиклар, синтетик антибактериал препаратлар ҳамда гормонал дорилар учун электрон рецепт мажбурий бўлишини назарда тутувчи биринчи босқич белгиланади.

SAODAT JURNALI

100 yilligi

“Саодат”нинг саодатбахш сабоқлари

“Ўтган асрнинг 70-80-йилларида “Саодат” журналі республикамизнинг аёл ижодкорларини ўз атрофида бирлаштирган, қаламкашлар интилган ўзига хос бир орбитага айланган эди”, дейди Ўзбекистон Қахрамони Иброҳим Ғафуров.

Муҳтарам УЛУҒОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



Бугун ҳатто ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси бўлган айрим ёшларнинг адабиётимиздаги янгиликлар, таниқли ижодкорлар ижодида беҳабарлигидан ажаблანасиз. Аммо катта авлод вакиллари ҳақида кўпи шеърятга, бадий асарларга қизиқишни суҳбатларда дарров англайсиз. Улар “Саодат”, “Тулистон”, “Шарқ юлдузи” журналлари саҳифаларида ўқиган шеърлари, ҳикояларини эслайди, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ғабдулов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Уткир Ҳошимов, Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева, яна кўплаб ёзувчи ва шoirларни мана шу нашрлар саҳифасида босилган асарлари орқали таниганларини айтади. Чингиз Аҳмаров, Урол



КўНГИЛЛАРГА МАЪРИФАТ, АДАБИЁТ ВА ТАРБИЯ УЛАШГАН НАШР

Бошланғич 1-бегда

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш учун қулай шароит яратиш, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган опа-сингилларимизни муносиб рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар бажарилаётган. Жумладан, турли соҳаларда имтиёз ва имкониятлар яратиш учун кўплаб амалий механизмлар йўлга қўйилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий фаоллигини оширмоқда.

Шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш йўналишидаги кенг қўламли ишловлар инсон қадрини улуғлаш, оила тинчлиги ва маънавий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Бугун мана шу мавзуларнинг барчаси “Саодат” саҳифаларида ўз ифодасини топмоқда.

Ингилишда сўзга чиққанлар журнал мундарижасида минглаб хотин-қизларнинг орзу-интилиши, тақдири ва ютуқлари акс этиб, ҳақиқий маънавият ва маърифат минбарига айланган, тахририят жамоасининг фидокорона меҳнати ва доимий ижодий изланишлари туфайли журнал давр билан ҳамқадам бўлиб, миллий қадриятларимизни замонавий руҳда ўқувчиларга етказиб келётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шoirи Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в. б. Холмурод Салимов, “Саодат” журналі бош муҳаррири Мунаввара Усмонова ва бошқалар бугунги глобаллашув шароитида “Саодат” журналі давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва муносиб рағбатлантирилаётганини қайд этди.

Тадбирда тахририят жамоасига Президентимизнинг махсус совғаси — “BYD Chazor” автомашинаси топширилди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Саодат” санаamlari

“Саодат” журналининг 100 ёшига

Сизни ўйлаб қалбим тутган кўрда кўйдим, Айтар сўзим айтмай туриб, болин тўйдим, Онам, опам, синглим дебон сизни сўйдим, Қошларидан ранг олгандир қаламлари, “Саодат”нинг садоқатли санаamlari.

Халимаҳон — ўзбегимнинг ҳайратидир, Аёл ичра у мардикнинг ибратидир, Ҳақиқати — ҳар сатрининг қудратидир, Кўрсатмайин дилда кетган кўз наmlари, Шундай улуг “Саодат”нинг санаamlari.

Ватан деса, қўшлардан қароқлари, Дуо қилса дур тутадир дулоқлари, Эй миллатим маърифатин чироқлари, Сувдан тиниқ муҳаббатнинг маҳрамлари, “Саодат”нинг садоқатли санаamlari.

Мулойимлар маликаси дейман уни, Жилмайганда жамолида дулоқ кунни, Бош муҳаррир “Саодат”ин чин мафтунни, Бу Ойдиной Ҳожиёваннинг дил шамалари, “Саодат”нинг ёрут юзли санаamlari.

“Саодат”нинг тамал тошин қўйган аёл, “Саодат”нинг онасидек суйган аёл, Бу Тожихон Шодиевандир — сўзи ҳилол, Матбуотнинг жароҳатин малҳамлари, “Саодат”нинг садоқатли санаamlari.

Умр қисқа, кимлар келиб, кимлар кетар, Кутлуг кунлар бузурганга насиб этар, “Саодат”нинг юз ёшига гуллар тутар, Мунаввара дил розининг малҳамлари, Кутлуг бўлсин, “Саодат”нинг санаamlari.

Ойдини бор, Собираси, Хосияти, Мақсадлари эгуликнинг ҳидовати, “Саодат”нинг саодати хуш нияти, Эса ҳамки ўз даврининг алаmlари, Собит турган “Саодат”нинг санаamlari.

Ўзбекистон — ўзбегимнинг хур Ватани, Меҳрдодир, муҳаббатда борки маъни, “Саодат” бу — аёл айтган сўзнинг шаъни, Кутлаб кўйинг сўз аҳлининг хотамлари, Юзга кирди “Саодат”нинг санаamlari.

Зулфиянинг номи асли аёл нури, Унда вафо маликасин висол нури, Шоир Ҳамид Олимжоннинг хаёл нури, Соғинч тўқди, сочларининг тарамлари, “Саодат” бу — Зулфиянинг санаamlari.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шoirи

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МуАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девоҳна ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюрогма Г-1246.
34211 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев
Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 21:42 Топшириди — 00:50



Саодат – саодатли манзиллар сари

Зулфия опадан ҳаётда ҳам, ёзганда ҳам сўзга этиборлиқни ўрганиш мумкин эди. Кўп гапирмасди, унинг на нуқтада, на сўзлаш оҳангида “Мен фалончиман”, деган маъно ҳеч қачон бўлмаган. Бъзван бош муҳаррир тахриридан чиққан мақоламиздаги тагида чизиб қўйилган сўзларнинг биз дастлаб яхшилаб ўйлаб кўрмаган ноўрин, қўшимча бошқача маъно берадиган жиҳати ҳам борлигини англаб қолардик. Лекин бирор марта Зулфия опа нимадангир норози бўлиб овозини баланд кўтаргани, кимнингдир хатоси учун жазолаганини эслолмайман. Барча ишларга ўзи давлат ва инсоний қонулар талабларидан чиқмаган ҳолда ёндашгани каби биз ҳам шу йўлдан боришга ҳаракат қилардик...

Фикрларим исботи учун бевосита ўзим туювч бўлган жараёнлардан айрим мисоллар келтирдим. Ярим асрлик журналистик фаолиятимнинг илк дарсхонаси “Саодат” журналі тахририяти бўлди, олган сабоқларим ҳамон асқатади.

“Саодат”ни саодатманд нашр этган устозлар ананаларини Ўзбекистон халқ шoirларини Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева каби таниқли ижодкорлар бош муҳаррир сифатида давом эттирди. Айни кунда ҳам семимли журналнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шoir ва жонқуяр журналист Мунаввара Усмонова раҳбарлигидаги жамоа билан янги даврининг янги қаҳрамонларини элга танитмоқда. Ахлоқу одоб мавзусидаги мақоалар, бадий асарлар намуналари билан аёллар маънавиятини, маърифатини юксалтиришга фол ҳисса қўшмоқда.

Юз ёшнинг муабрак, қадрдоним “Саодат”! Мустақил Ўзбекистоннинг оналари, опа-сингиллари, қизлари тақдири кўзгуси бўлган ардоқли нашримизнинг бутунги бекати янги асрларга ҳар доимгидек очиқ юз, илҳом билан кириб бориши учун кутлуг остона бўлсин!



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.